

АДАБИЁТШУНОСЛИК АТАМАЛАРИНИНГ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Нодира Мирхайдарова Ҳайитбоевна

Гулистон давлат университети

Ўқитувчи

nodimir7001@gmail.com

Аннотация. Атамашуносликга оид бир қатор асарларда атамага нисбатан қўлланмайдиган "талаблар" унинг ҳақиқий табиатига мос келмаслиги аллақачон исботланган. Терминлар билимнинг ривожланишига мос равишда шаклланадиган ва ўзгарадиган махсус, тез ривожланадиган сўз туркумлари сифатида қаралади.

Мақолада замонавий термнология таҳлил қилиниб, сўнгги йилларда юз берган ўзгаришлар, терминология соҳасидаги ҳал этилмаган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: атамалар, даврлаштириш, адабиётшунослик тараққиёти, босқичларга бўлиш, атамаларининг мазмун-моҳияти

ВОПРОСЫ ПЕРИОДИЗАЦИИ РАЗВИТИЯ ЛИТЕРАТУРНЫХ ТЕРМИНОВ

Мирхайдарова Нодира Хайитбаевна

Гулистанский государственный университет

преподаватель

Аннотация: В ряде научных работ по терминологии уже доказано, что "требования", которые не применяются к термину, не соответствуют его истинной природе. Термины рассматриваются как особый, быстро развивающийся словарный запас, который формируется и изменяется в соответствии с развитием знаний.

В статье анализируется современная терминология, показаны изменения, произошедшие за последние годы, нерешенные проблемы в области терминологии и их периодизации.

Ключевые слова: термины, периодизация, развитие литературоведения, деление на этапы, значение и сущность терминов.

QUESTIONS OF PERIODIZATION OF DEVELOPMENT OF LITERARY TERMS

Mirhaydarova Nodira Haitbaevna
Gulistan State University

Annotation: A number of scientific papers on terminology have already proved that "requirements" that do not apply to a term do not correspond to its true nature. Terms are considered as a special, rapidly developing vocabulary that is formed and changed in accordance with the development of knowledge.

The article analyzes modern terminology, shows changes that have occurred in recent years, unresolved problems in the field of terminology and their periodization.

Keywords: terminology, periodization, development of literature, the division into stages, the value and nature of terms.

Ҳар қандай ижтимоий фаннинг тараққиёт йўли, энг аввало, тарих билан чамбарчас боғлиқ ҳолда аниқланади. Давр ва босқичларга ажратишнинг ўзига хос мезон ва тамойиллари мавжуд. Шунингдек, жамиятнинг тараққиёт босқичлари, халқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ўсиш йўллари, ижтимоий фаннинг тарихи, ўзига хос қонун-қоида ва хусусиятлари воситасида даврлаштирилади. Жумладан, бадий адабиёт, адабиётшунослик тараққиёти ҳам ана шу хулосалар асосида даврларга, яъни босқичларга бўлинади. Бадий адабиётнинг методологияси, ижодий методи, услублари, тур ва жанрлари, поэтикаси тарихи ҳам бунга дахлдордир. Даврлаштириш наинки, бадий адабиётнинг ривожу равнақини босқичма-босқич ўсиш жараёни мезонларини аниқлашда, балки алоҳида олинган даҳо санъаткорлар ижоди йўлини умумлаштириб, яхлит баҳолашда ҳам жуда қўл келади. Масалан, ҳазрат Алишер Навоийни “ғазал мулкининг султони” дейилганда,

ғазал жанрининг тараққиёт босқичлари, унинг ўзига хос хусусиятлари, поэтикаси силсилали таҳлилу талқин қилиш жараёни билан боғлиқ улуғ шоирга шундай буюк рутба нисбат берилган. Шоир ижодигача воқеабанд, пароканда, мусажжа, мусалсал ғазаллар ёзилган ва ривожу равнақ топган. Ҳазрат Навоий эса пароканда ғазалнинг ноқисликларини аниқлаб, яқпора ғазални назарий жиҳатдан асослаган. Натижада яқпора ғазал турининг асосчиси бўлиб, ғазал мулки тарихидан мустахкам ўрин олган. Улуғ шоир ғазаллари маънан ва шаклан уйғунлиги, маъно тароватининг юксаклиги билан ўзигача бўлган, ўз даври шоирлари ғазалларидан мутлақо ажралиб туради. Ёки темурийлар даврида илм-фан ўзининг тараққиёт даражасига эришган. Бироқ Мирзо Улуғбек даври энг чўққиси ҳисобланишга ҳақлидир. “La Figaro” газетасида «Жаҳон тарихидаги буюк саркардалар : Амир Темур» сарлавҳали мақола босилиб, унда Мирзо Улуғбек даври ва у қолдирган бой меросни “Мовароуннаҳр тарихининг олтин даври” дея юксак баҳо берилган[5].

Адабиётшунослик атамаларига келсак, унинг ҳам шаклланиши, тараққиёти, такомил даражасига эришиши жамият тарихи, миллий тил, бадий адабиёт, адабиётшуносликнинг ривожу равнақи билан бевосита узвий боғлиқдир. Шу билан бирга адабиётшунослик атамаларининг ички тараққиёт қонун ва хусусиятлари ҳам унинг ривожланиш даврларини босқичларга бўлишда асосий омиллардан саналади.

Таълим жараёнида адабий таълим етакчи йўналишлардан бири ҳисобланиши шубҳасиз. Бадий адабиётни ўрганиш билан бирга унинг назарий асослари бинобарин, адабиётшунослик атамаларини ҳам бугунги кун мафқураси нуқтаи назаридан ўрганиш ва ўргатиш даврнинг муҳим талабларидан биридир. Адабиётшунослик атамаларининг шаклланиши, манбалари, тараққиёти ва такомил, келажак равнақи ҳақида фикр юритиш учун унинг даврлари, яъни босқичларини ўрганиб чиқиш жўяли самара бериши турган гап. Қардош халқлар адабиётшунослик атамаларининг тараққиёт босқичларини даврлаштирилиши ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Аммо ўзбек адабиётшунослик атамаларининг тараққиёт босқичлари

даврлаштирилган. Адабиётшунос Нариман Ҳотамовнинг “Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат” китобининг “Адабиётшунослик терминлари тараққиёти тарихидан” номли иккинчи қисмида адабиётшунослик атамалари тараққиётини уч даврга таснифланган. Ҳар бир даврга қатор мисоллар воситасида шарҳу изоҳ берилган. Бинобарин, адабиётшунослик атамаларининг шаклланиши ва барқарорланишидаги мураккабликлар, қарама-қаршиликлар, хусусан, миллатчи гуруҳларнинг бу борадаги зарарли ғоялари ва бунинг олдини олиш учун олиб борилган саъй-ҳаракатлар тўғрисида яхши кузатишлар қилинган. Айни вақтда адабиётшунослик атамаларининг шаклланиши ва ривожланиш йўллари, ўзига хос ички қонуниятларини ҳам ҳисобга олиб, атамаларнинг тақомилини уч босқичга таснифланган:

- 1) 1917-1929 йилларни ўз ичига олган давр;
- 2) 30-йиллардан 40 йилларнинг ўрталаригача бўлган давр;
- 3) 40-йилларнинг охирларидан то ҳозирги кунимизгача (яъни 1970 йилларгача-Н.М.) бўлган давр.

Тасниф ва шарҳу изоҳлар ўша давр мафкураси асосида берилгани инкор қилиб бўлмас даражада ҳақиқатдир. Биргина атамаларнинг шаклланиши ва тақомилланиш даврини октябр тўнтарилишидан бошланишининг ўзи қандай ғоявий мафкурага таянилганини аён қилади. Ҳолбуки октябр тўнтаришисиз ҳам жаҳид адабиёти мумтоз адабиёт билан миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти ва янги ўзбек адабиёти ўртасида эстетик кўприк бўлгани маълум. Жаҳид адабиёти янги типдаги адабиётнинг методи, жанрлари, услублари, янги тимсол ва поэтик образлари, ҳатто янги атамаларининг тамал тошини қўйишга эришган, энг муҳими, туғилажак янги адабиётнинг мукамал бўлмаса ҳам эстетик тамойилларини шакллантирган эди. Бошқа «изм»лар ва ғоявий йўналишлар ҳамда давр мафкураси адабиётшунослик атамаларининг шарҳу изоҳига салбий таъсир кўрсатгани ҳақида гапиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак.

Дарҳақиқат, янги типдаги адабиёт ва унинг атамаларининг шаклланиши, манбалари сирасида жаҳид адабиётининг янги хусусият ҳамда тамойиллари,

янги эстетик принциплари таянч бўлгани ҳақиқатдир. Жаид адабиёти эстетикаси мумтоз адабиётининг мадҳу сано аршидан заминга-ҳаётга, халқ турмушига яқинлаштирди, давр воқелиги унинг тасвир манбаига айланди. Гўё жаидчилик ва жаид адабиёти буржуача йўналишдаги ҳаракат ва адабиёт, деган ғоя ҳукмрон мафкуранинг сиёсий байроғига айланди. Боз устига араб маданияти ва адабиётнинг таъсири кириб келгунгача моний, буддавий ва шамоний динлари таъсирида шаклланган шеърят ҳамда унинг атамалари, хусусан, араб тили ўрта осиеликлар маданияти ва адабиётнинг ҳукмрон тили бўлиб фаолият кўрсатгани, унинг ўзбек халқи адабиёти ва маданиятига таъсири ҳақида лом-мим дейиш учун барча “эшик”лар ёпиқ бўлиб, тилга олиб бўлмас эди. Ана шулар боис ҳам Н.Ҳотамов адабиётшунослик атамалари тараққиёти босқичининг исломгача, ислом даври, умуман, мумтоз адабиёт даври адабиётшунослик атамалари тараққиётини алоҳида босқичлар сифатида таснифламаган кўринади. Ҳолбуки, ҳар қандай нарса-ҳодиса, ҳатто наботот олами ҳам ўзининг ибтидоий куртагида сақланиб, ундан униб чиқади, худди шунингдек, адабиётшунослик атамалари ҳам ўзининг замини, негизи миллий тил бойлиги асосида туғилиши ва шаклланиши, наинки ҳаётий тажриба, балки қонунийдир. Ҳеч вақт нарса-ҳодиса ўзининг ибтидоий куртагисиз йўқ жойдан пайдо бўлган эмас, бўлмади ҳам.

Қадимги туркий адабиёт даврида адабиётшунослик фани бўлмаса-да, унинг дастлабки атамалари шакллана бошлаган: кўшиқ, йиғи кўшиғи, маросим кўшиғи, марсия кўшиғи (ири дейилган-Н.М.), тўртлик шеърлар, мадҳия, талмеҳ, ташбеҳ сифатлаш, мунозара кабилар.

Н.Маллаевнинг дарслигида кўшиқлар: меҳнат, қаҳрамонлик, марсия, мавсум, маросим, ишқий-интим, ахлоқий, таълимий турларга таснифланган. Қадимий туркий адабиёт поэтикасини ўрганишда кейинги давр поэтикасида қўлланилган атамалар татбиқ этилади. Бу тажриба жаҳон адабиётшунослигида қабул қилинган. Академик С.П.Лихачёв қадимги рус адабиётини тавсифлашда кейинги даврда қўлланилиб келинган атамалардан фойдаланилган.

Қадимги туркий адабиётида шеър сўзи ўрнида **қўшиқ** атамаси, адабиёт атамаси ўрнида **сўз** атамаси ишлатилган. Аҳмад Югнакий: “Сўзум мунда қилур, борур бу ўзум” деганда адабий мерос “сўз” лексикаси билан аталгани илмда исботланган. Бу даврни адабиётшунослик атамаларининг шаклланиш илк босқичи деб қараш тўғрироқ бўлади.

Ўзбек адабиётшунослик атамаларининг тараққиётида араб маданияти, адабиёти ва тилининг таъсири кучли бўлгани тарихдан маълум. Туркий халқлар форс тилини давлат тили ва адабий тил сифатида қабул қилгунгача бу вазифани араб тили бажарган.

Араб тили ўша даврда халқаро тил мақомига эга бўлган. Бу жараён Ўрта Осиё маданияти ва адабиётига, хусусан, адабиётшунослик атамаларининг тараққиётига ҳам самарали таъсир кўрсатган ва аниқроғи, араб адабиётшунослиги атамалари айнан қўлланилган: **ғазал, мураббаъ, рубоий, қасида, маснавий, мусалсал, мухаммас, абёт, байт, фард, луғз, мусаннафот, ашъор** кабилар.

Кейинги асрларда адабиёт дарий тили (форс) давлат тили мақомига эга бўлди. Бу жараён XV асрнинг иккинчи ярмигача давом этди. Адабиётшунослик атамаларида яна фаровонлик юзага келди.

Маснавий, жуфт қофия, чистон, чордевон, ширу шакар, шаҳду ширу шакар, дубайта, адабиётшунос мунаққид каби атамалар кириб келиб, ўзлашди. Қасида, ғазал гарчи араблардан олинган сўз бўлса-да, қадимий туркий адабиётга форс адабиёти орқали кириб келган. Қасида, маснавий Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си воситасида “Қутадғу билиг” достонидан ўрин олган. Ғазал Рудакийдан бошланиб, Хоразмий ва Рабғузий ижодида дастлаб пайдо бўлган.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Шарқ адабиётшунослик атамалари, наинки, ўзбек мумтоз, балки Ўрта Осиё халқлари адабиётига самарали таъсир қилиб, кириб келган атамалар мумтоз адабиётнинг шарҳу изоҳи ва ифодалаш усулига хизмат қилганини ҳисобга олиб, бу даврни алоҳида босқич сифатида таснифлаш тақозо қилинади.

Мустақиллик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жиҳатдангина эмас, балки барча фанлар, айниқса, ижтимоий фанлар соҳасида туб ислоҳотлар, янгилик ва эврилишларни вужудга келтирди. Ижтимоий фанлар мазмуни ва методологиясидаги модюнча қарашдан мутлақо воз кечилди. Унинг ўрнини миллий ғоя ва мафкура эгаллади. Шу маънода фанлар маъно-моҳияти, ғоявий йўналиши истиқлол ғоясидан келиб чиқиб, янгича мазмун касб этди. Бу, энг аввало, ижтимоий фанларнинг ифодачиси - атамаларда содир бўлди. Атама аслида фанни тушунтириш, изоҳлаш “тили”дир. Атамалар тарихи фан тараққиёт йўналишлари, унинг босқичларини белгилаб беришда муҳим омил саналади. Баски шундай экан, мустақиллик даврига келиб, миллий тил давлат тили мақоми даражасига кўтарилди. Бадиий адабиёт ҳукмрон мафкуранинг чиғириқларидан тамомила озод бўлиб, эркин тафаккур, “харакатдаги эстетика”га айланди. Адабиётшунослик эса истиқлол ғояси ва мафкураси билан суғорилган бадиий адабиётнинг талқини, таҳлилчисига айланди. Маълум бўладики, мустақиллик даври адабиётшунослик атамаларини алоҳида босқич сифатида таҳлилу талқин қилиш давр талаби. Бу даврда адабиётшунослик атамаларининг мазмун-моҳияти истиқлол мафкурасига кўра ўзгарган босқич ҳисобланиши ўз-ўзидан аён.

Адабиётшунослик атамалари ҳақида юқорида айтилган фикр ва қарашлардан келиб чиқиб, унинг тараққиёт даврини қуйидагича босқичларга таснифлаш тўғрироқ бўлади:

- 1) Илк босқич даври;
- 2) Шарқ адабиётшунослигининг таъсири даври;
- 3) 20-йиллар даври;
- 4) 30 йиллардан 50 йилларгача бўлган даври;
- 5) 50 йиллардан мустақилликгача бўлган даври;
- 6) Мустақиллик даври.

Қисқаси, ҳар қандай фан, аниқроғи, ижтимоий фанлар, жумладан, адабиётшунослик атамалари давлат тузуми, жамиятнинг маънавий-маданий тараққиёти, миллий тил бойлиги, бадиий адабиёт ва ниҳоят

адабиётшуносликнинг ривожу равнақи билан узвий боғлиқ ривожланар экан ва унинг даврий босқичлари ҳам шу аснода келиб чиқиш табиийдир.

Библиография:

1. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б., Адабиётшунослик терминларининг изоҳли луғати, -Т.: 1971
2. Ҳотамов Н., Адабиётшунослик терминларига оид, -Т.: 1975
3. Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М., Адабиётшунослик луғати, -Т.:Академнашр,2013.
- 4.Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С., Адабиётшунослик терминлари луғати,Т.,1967
5. Халқ сўзи, 2014 йил, 13 август.